

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИНИНГ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси 3 курс 316 гурӯҳ курсанти
Худойназарова Моҳинур Нуриддин қизи

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъекти сифатида унинг бошқа субъектлар билан ҳамкорлиги масалаларини таҳлил қилинган. Бу мақолада ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассалар билан ўзаро ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилган ва асослантирилган таклифлар берилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси , ҳамкорлик , нодавлатнотижорат ташкилотлари,

ABSTRACT

This article analyzes the issues of cooperation between the bodies of the Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan as a subject of offence prevention and the other entities. This article focuses on the issues of cooperation of law enforcement agencies with other entities and institutions directly involved into the sphere. Also, some justified recommendations, related to the topic are provided in the paper.

KEY WORDS: Offence prevention, cooperation,

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются вопросы взаимодействия органов внутренних дел Республики Узбекистан как субъекта профилактики правонарушений с другими субъектами. В статье акцентирует внимание на вопросах взаимодействия правоохранительных органов с другими субъектами и учреждениями, непосредственно вовлеченными в сферу. Также в статье даны обоснованные рекомендации по теме.

КЛЮЧЕВЬЕ СЛОВА: Предупреждение правонарушений, сотрудничество,

Профилактика инспекторлари маъмурий худудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-руслар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалар, диний

ташкилотлар (диний жамиятлар, диний ўқув юртлар, масжидлар, черковлар, синагоглар, монастирлар ва бошқалар) билан ҳамкорлик қиласи.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1991 йил 1 сентябрга қадар, жами 211 та диний ташкилот фаолият олиб борган бўлиб, шундан 149 таси исломий, 51 таси насроний, 11 таси яхудий диний ташкилотлари эди. Мустақиллик шарофати билан ҳозирги кунда республикамизда 2225 та диний ташкилот Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан рўйхатга олинган бўлса, шундан 2050 таси исломий диний ташкилотлардир. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жами 175 та ноисломий диний ташкилот фаолият олиб бормоқда. Улар қаторида 36 та рус православ черкови, 5 та рим-католик черкови, 23 та евангель христиан-баптистлар черкови, 21 та тўлиқ Инжилчи христианлар черкови, 10 та еттинчи кун христиан-адвентистлар черкови, 4 та новоапостол черкови, 3 та немис евангель-лютеранлар черкови, 2 та арман апостоллик черкови, 1 та «Иегова гувоҳлари» черкови, 1 та «Голос божий» черкови, 52 та корейс протестант черковлари, 8 та яхудийлар диний жамоалари, 6 та баҳоийлар диний жамоалари, 1 та буддавийлар ибодатхонаси, 1 та «Кришнани англаш» жамияти ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Профилактика (катта) инспекторлари ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудудда фаолият юритаётган диний ташкилотлар билан қўйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиласи:

- маъмурий ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш;

- маъмурий ҳудудда истиқомат қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эл фуқароларининг виждон эркинлиги бўйича ҳуқуқ ва эркиnlари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш;

- аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига терроризм ва диний экстремизмдан жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу борада уларни огоҳликка ва ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш;

- виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни, уларни содир этувчи ва содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий тартибдаги ва виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш;

– маъмурий ҳудудда виждон эркинлигини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи, террорчилик ва экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи, рухсатсиз диний таълим берувчи, миссионерлик билан, шунингдек, бошқа тақиқланган фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳамда диний-экстремистик гурухларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш;

– терроризм ва диний экстремизм, конституциявий тузумга қарши жиноятлар содир этиб, жазони ўтаб қайтган ва жазо ўтаётган шахсларнинг оила аъзолари ва ушбу оиласарга келиб турувчи шахсларни тарбиялаш, улар томонидан жиноят ва хуқуқбузарликлар содир этилиши ҳамда уларнинг фарзандларининг диний экстремистик ғояларга берилиб кетишларини олдини олиш мақсадида якка тартибдаги профилактик сухбатлар ўтказиш ҳамда бу тоифа шахсларга маҳалла фаолларини мураббий этиб бириктириш;

– маъмурий ҳудудда виждон эркинлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи, террорчилик ва экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи, рухсатсиз диний таълим берувчи, миссионерлик билан шуғулланувчи, шунингдек, бошқа фаолияти тақиқланган ташкилотлар ҳамда диний-экстремистик йўналишдаги гурухларга алоқадор бўлган шахслар ҳақида ахборот алмашиш;

– диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб борища, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиши, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўхтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатиш, аҳоли ўргасида ваҳима чиқариш ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-харакатларнинг олдини олиш ҳамда уларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши (кейинги ўринларда Маслаҳат кенгаши деб юритилади) ташкил этилди¹.

Куйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

– давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-харакатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очик-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

– ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда хабардор қилиш;
- давлат органларининг нодавлат нотижорат билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмларини, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- илмий ва эксперталар групчалиги иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;
- нодавлат нотижорат фаолиятининг ташкилий-хуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидағи иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш;
- фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва маҳсус, шу жумладан муқобил маъruzalар тайёрланишини ташкил этиш;
- фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илгор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда қўмаклашиш.